

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Том 2, Выпуск 2, 29 Февраля

**БОЛАЛАРДА ҚҮЛ БҮГИМИ ЖАРОҲАТЛАРИНИ ЎЧРАШИНИ
БАҲОЛАШ.**

**Султонов Равшан Комилжонович, Мусулмонкулова Нодира
Бахтиёровна.**

Термиз иқтисодиёт ва сервис унверститети,
Тиббиёт фанлар кафедраси PhD, доцент в/б.

Даволаш иши 22-01 гуруҳ талабаси
e-mail: ravshansultonov605@gmail.com

Аннотация: Бу мақолада болалардаги қўл бўгими жароҳатланишларни Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази травматология ва ортопедия бўлимида 2020-2023 йилги 42 нафар беморлардаги ретроспектив таҳлили ўрганилди. Айниқса ўнг тирсак бўғимидағи жароҳатлар кўпроқ учраб 68% га тенг бўлди.

Калит сўзлар: Болалар, тирсак, деформация, синиш, чиқиши, контрактура.

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ ЛЕЧЕНИЯ ТРАВМ СУСТАВОВ КИСТИ У
ДЕТЕЙ.**

**Султонов Равшан Комилжонович, Мусулмонкулова Нодира
Бахтиёровна.**

Термезский университет экономики и сервиса,
Кандидат медицинских наук, доцент кафедры медицинских наук.

Студент лечебной группы 22-01

Аннотация: В данной статье проведен ретроспективный анализ травм руки у детей в отделении травматологии и ортопедии детского многопрофильного медицинского центра Сурхандарьинской области у 42 пациентов в 2020-2023 годах. Особенno чаще встречались травмы правого локтевого сустава, составившие 68%.

Ключевые слова: дети, локоть, деформация, перелом, выход, контрактура.

**THE EFFECTIVENESS OF TREATMENT OF HAND JOINT
INJURIES IN CHILDREN.**

**Sultanov Ravshan Komiljonovich, Muslimonkulova Nodira
Bakhtiyorovna.**

Termiz University of Economics and Service,
Ph.D., associate professor of the Department of Medical Sciences.

Student of treatment group 22-01

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Том 2, Выпуск 2, 29 Февраля

Annotation: In this article, a retrospective analysis of the injuries of the arm in children in the Department of Traumatology and orthopedics of the children's multidisciplinary medical center of the Surkhandarya region was studied in 42 patients of 2020-2023. Especially the injuries on the right elbow joint were more common and amounted to 68%.

Keywords: children, elbow, deformation, fracture, exit, contracture.

Муаммонинг долзарблиги: Болаларда қўл бўғими жароҳатланиши синиш, чиқиш, лат ейишлар 35% ни ташкил қиласди [1] Беморларда шундай жароҳатланишлар уларни хаёт сифатини пасайтирибгина қолмасдан 13-14% ҳолатларида ногиронликка сабаб бўлади[2]

Травматологик синиш ва чиқишлиарни асосий сабаблари:ташхислашдаги хатоликлар, нотўғри даволаш тактикаси bemorlar томонидан тартиб-коидаларни бузилиши [2].

Дунёда оналар, янги туғилган чақалоқлар ва ёш болаларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш яхшиланганига қарамай, болалар ўлими энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда болалар ўлими даражаси 1000 та тирик туғилган болаларда 15,6% тўғри келишига қарамасдан болалар туғилиши кўрсаткичи жуда паст, яни 9,1% ни ташкил қилмоқда [3-4].

Болаларда қўл бўғими жароҳатларини ташхислашда қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, улар касалликларининг асосий хусусиятларини очиб бермайди. Болаларда қўл бўғими жароҳатлари синиб-чиқишлиарани ташхишлиш ва даволашда куйидаги муаммолар мавжуд:қўл бўғими суюклари синиб-чиқишлиари таснифланмаганлиги, замонавий ташхишлиш усууллари қўлланилмаётганлиги, замонавий патогенитик асосланган янги оператив ва комплекс даво усууллари йўқлиги, юқори қоникарсиз натижалар.

Тадқиқот мақсади: Болалардаги қўл бўғимлари синиб-чиқишлиарини ўрганиш ва жарроҳлик йўли билан даволашнинг натижаларини баҳолашдан иборат.

Материал ва методлар: Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тибиёт маркази травматология ва ортопедия бўлимида 2020-2023 йил қўл бўғими синиб-чиқишлиари билан даволанган 42 нафар bemorlar клиник кузатув остига олинди ва даволанди. Беморларни жинс бўйича 25 нафар (59,5%) ўғил болалар, 17 нафар (40,5%) қиз болалар ташкил қиласди.

Бемор болаларни ёш бўйича 5-7 ёш, 8-11 ёш, 12-15 ёшдаги болалар ташкил қиласди.

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Том 2, Выпуск 2, 29 Февраля

Үғил болалар (5-7 ёшлик-14 та, 8-11 ёшлик-6 та, 12-15 ёшлик эса -5 та), қыз болалар (5-7 ёшлик-7 та, 8-11 ёшлик-5 та, 12-15 ёшлик -5 та) үчради. Үнг тирсак бўғимида жароҳатлар кўпроқ учраб 68% га тенг бўлди.

Елка суяги дистал қисми нотўғри битган синиқлари 14 та беморда, елка суяги асептик некрози 4та беморда, билак суяклари чиқишлари 10 та беморда, билак суяги бошчаси чиқиши 14 та беморда кузатилди. Тирсак бўғими ёзилувчи контрактурасини 14 та беморда, букилувчи контрактурани 10 та, букилувчи ёзилувчи контрактурани 20 беморда учратдик.

Барча беморлар тирсак бўғимлари икки проекцияда ва функционал ҳолатларда рентгенография қилинди ва ультратовуш текширувидан ўтди. МСКТ текшируви 30 нафар беморда амалга оширилди. Олинган барча рақамли кўрсаткичлар статистик қайта ишланди.

Барча беморлар жароҳлик йули билан даволанди. Тирсак бўғими артропластикаси 24 нафар беморда, елка суяги дистал қисми коррекцияловчи остеотомия 4 нафар беморда, билак суяги бошчаси очиқ репозицияси ва Илизаров аппаратида остеосинтез 14 нафар беморда амалга оширилди ва натижалар таҳлили ўрганиб чиқилди. Яхши анатомик натижа 42%, қониқарли 52%, қониқарсиз 6% ни ташкил қилди. Яхши функционал натижа 18%, қониқарли 68%, қониқарсиз 14% үчради.

Болалар травматологияси амалиётида тирсак бўғими жароҳатлари энг оғир мудоммолардан ҳисобланади. Тирсак бўғими жароҳатларини тўлақонли ташхислашда мультидетекторли спирал компьютер томография (МСКТ) алоҳида ўрин тутади. МСКТ текшириш усули қўл бўғими барча структураларини уч текисликли фазовий ўлчамларини беради. Ушбу текшириш усулида қул жароҳатларида контрактуралар сабаблари хатосиз аниқланади. МСКТ текшируvida елка-тирсак бўғимининг муҳим элементлари бўлган fossa olecranon ва fossa coranaeeda ларнинг ҳажми, шакли ва чуқурлиги, тирсак ва тожсимон ўсимталар тўғрисида аниқ маълумот олиш имкони бор. МСКТ маълумотларини таҳлил қилиш натижасида контрактуралар келиб чиқишида ҳажмий конфликт ва ҳажмий деформациялар каби тушунчалар пайдо бўлади. Тирсак бўғими контрактураларида ҳажмий конфликт 24 нафар беморда кузатилди. Fossa olecranon ҳажмий деформациялар 16 нафар беморда, fossa coranaeeda ҳажмий деформацияси 4 нафар беморда аниқланди. Ҳажмий деформацияларнинг асосий сабаби елка суяги синиқларида ротацион ёки бурчак остида силжишларнинг бартараф қилинмаганлигидир. Елка суяги ғалтаги ҳажмий етишмовчилиги 16 нафар беморда, атипик деформацияси 10

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Том 2, Выпуск 2, 29 Февраля

нафар беморда аниқланди. Ғалтак ҳажмий етишмовчилигининг асосий сабаби синик ҳисобига қон билан таминланишининг бузилиши бўлса, атипик деформация чиқиш туфайли тирсак ўсимтаси марказлашишининг бузилишидир. Тирсак ўсимтаси деформацияларига елка суяги ғалтаги ҳажмий деформациялари ва чиқишлари сабаб бўлади.

Қўл бўғимлари УТТ да бўғим юмшоқ тўқималари тўғрисида ва қўл бўғими иш фаолиятида бевосита иштирок этувчи мушаклар тўғрисида маълумот олинади. Деярли барча bemорларда бўғим ёриғи деформацияси ва торайиши, қўл бўғимлари халтаси иккиламчи ўзгаришлари ҳамда мушакларда ортиқча бириктирувчи тўқимани пайдо бўлиши аниқланди.

Шундай қилиб, қўл бўғимлари айниқса тирсак бўғими синиб-чиқишлари энг оғир жароҳатлардан бири саналади. Замонавий тиббиётда жароҳлик амалиётидан кийинги даврдаги реабилитацион чораларнинг тўлақонли ва даврий ўтказилиши тирсак бўғимида ҳаракат тикланишига шароит яратади.

Хулоса:

1. Болалар қўл бўғими синиб-чиқишлари энг оғир жароҳатлар ҳисобланади.

2. Замонавий инструментал текширув усуллари қўл бўғимидағи патологик жараённи тўлақонли очиб беради.

3. Мавжуд жароҳлик амалиётлари қўл бўғимидағи номутаносибликларини барча ҳолатларда ҳам бартараф қила олмайди.

4. Жароҳлик амалиётидан кейинги реабилитацион комплекс даво чоралари bemорлар ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алимова.Х.П. Шарипова.В.Х. Принципы организации экстеренной медицинской помощи детям с сочетанными травмами. Вестник экстеренной медицины. 2017 г. 5-11.

2. Ахундов.А.А, Зейналов.Ф.А. Мамедов.А.А. Лечебная тактика при множественных и сочетанных переломах длинных трубчатых костей. Ортопед-травматология 1987 г. 9-11.

3. Shavkatovna, S. Z., Komiljonovich, S. R., Jubatirovna, K., Khairullaevich, P. K., & Aslonovna, M. D. (2023). Estimation of the dynamics of development indicators of the trachea and lung bronches in babies under one ear of birth.

4. Ravshan S. et al. Morphological and Morphometric Indications of Trachea and Bronchial Walls in One-Month-Old Babies. – 2022.